

# ISHONCH

Шарифа САЛИМОВА

## ЭЙ ГУЛ...

Эй гул, сен кўзимнинг қораси бўлгин,  
Доналар ичинда сараси бўлгин.  
Момоларим гамни ўриб ўтдилар  
Энди сен шодликнинг дояси бўлгин.

Бу тупроқда бобонг ноласи ётар,  
Нодирабегим соч толаси ётар,  
Кўнгилнинг эрк деган боласи ётар,  
Кўнгилнинг эрк унган даласи бўлгин.

Олисга қарайман: карвон келадир,  
Кимлар бор, кимлар йўқ, ҳайрон келадир.  
Ҳали олдда неча доvon келадир,  
Сен тоғу доvonнинг ораси бўлгин.

Амир Темур бобонг дунёни сўрган,  
Тагида тулпори юлдузни кўрган,  
Ва лек бибим сочин кўзига сурган,  
Сен ҳам шундоқ гавҳар донаси бўлгин.

Бу тупроқнинг гардин ювмасанг бўлмас,  
Кўзлардан хобларни қувмасанг бўлмас,  
Кетганлар-чун сафга турмасанг бўлмас,  
Сен ҳам ёш тоғларнинг қояси бўлгин.

Тиг теккан тиллардан тирқираган қон  
“Хамса” саҳфаларин айлагач алвон,  
Она тилим, дея қон қусди Чўлпон...  
Сен шаҳид булбуллар ноласи бўлгин.

Қара, бугун юртнинг баҳорлари хуш,  
Ҳаволари тоза, ҳаволари хуш,  
Бу кўҳна тупроқда тугар экан қиш.  
Эй гул, сен Туркистон онаси бўлгин.



СКАНВОРД  
ТВ-ДАСТУРИ  
СПОРТ

### Саҳифаларда:

ДЎСТЛИК, САЛОМАТЛИК,  
МАҲОРAT КЎРИГИ

2

ҲАВОГА ОТИЛГАН  
ТОШ

3

ҚАШҚИР ИЗИДАН  
Суд очерки

9

НЕЧА КИЛО МУЗҚАЙМОҚ  
ЕЯ ОЛАСИЗ?

11

Сиз кутган учрашув  
ОРЗУЛАРИМ УШАЛСА БАС

12

## ЁНДИРИЛГАН ОҚ КЎЙЛАК

10



ХАЛҚАРО ҲАЁТ

Газета чоп этилаётганда

## ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ — ФИНАЛДА!

Бу демакки, Шавкат Абдураимов шогирдлари яна битта — ҳал қилувчи учрашувни ўз фойдаларига оғдиролсалар кифоя, марра бизники!

Кеча футбол бўйича Осиё чемпионатининг ярим финал учрашувлари бўлиб ўтди. Терма жамоамиз бунгача уч ўйинда уч галабага эришиб, гуруҳ пешқадами сифатида навбатдаги босқичга йўл олган заҳотиёқ турли фикрлар билдирила бошланган эди. Бу бежизга эмас. Чунки ярим финалда футболчиларимизни жуда кучли жамоа — Қирғизистон термаси кутиб турарди. Ён қўшилларимиз пухта ҳозирлик билан Тошкентга ташриф буюрганликларини Осиё футбол конфедерациясининг янги аъзоси — Австралия билан учрашувдаёқ исботлаб улгургандилар.

Ярим финал аввалдан башорат қилинганидек шиддатли кечди. Галаба ҳужумсиз бўлмади, лекин ҳар икки жамоа ҳимояга ҳам катта эътибор қаратди. Шунинг учун ҳар бир гол қийинчилик билан амалга оширилди.

Очиги, Ўзбекистон ҳам, Қирғизистон ҳам финалга йўлланма олишга ҳақли эди. Лекин бироз маҳорат, галабага бўлган иштиёқ ва омад шу кунги юртдошларимиз томонида эди ва улар ўз мақсадларига эришдилар. Ҳисоб — 4:2.

Тўрт ўйинда — тўрт галаба. Демакки, финал бешинчиси. Ушбу ўйинда ҳам ишлар беш бўлади, деб умид қиламиз. Кумуш яхши, лекин олтин медал барибир бошқача-да!

М.ИБРОҲИМОВ



**Спорт жисмоний чиниқиш омили бўлиш билан бирга, ақл ва иродани тарбияловчи восита ҳамдир. Зеро, юртимизда спортни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганлигининг таг замирида ана шу мақсад мужассам. Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши томонидан ўтказилган спартакиада тармоқ касаба уюшма фаолларини соғломлаштиришга қаратилди.**

Мусобақаларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри вакиллари иштирок этишди. Қатнашчилар спортнинг стритбол, стол тенниси, енгил атлетика, оилавий жамоалар баҳси, шахмат ва шашка турлари бўйича ўзаро куч синашдилар. Дўстлик ва самимият руҳида кечган мусобақалар гоят қизгин ва мурасасиз курашларга бой бўлди.

— Мазкур спартакиадани ўтказишдан асосий мақсад, тармоқ касаба уюшма тизимида меҳнат қилаётганларни жисмоний чиниқтириш орқали фаоллиги ва ишчанлигини оширишга эришишдир. Ана шундагина улар меҳнаткашларнинг ҳақиқий ҳимоячиси, эзгу ишлар ташаббускори сифатида ўзларини кўрсатадилар. Уйлайманки, ушбу спорт беллашувлари орқали биз кўзлаган ниятимизга етдик, — дейди Марказий кенгаш раиси Шамси Эсонбоев.

Бахслар давомида ҳар бир иштирокчи голиблик сари дадил интилди. Бироқ омад ҳаммага бирдек насиб этавермай-



## ДўСТЛИК, САЛОМАТЛИК, МАҲОРАТ КЎРИГИ



лар сурхондарёлик ва сирдарёлик стритболчиларга насиб этди. Аёллар ўртасидаги стол тенниси ўйинида Тошкент вилояти вакили Галина Ступакова юқори поғонани забт этди. Бухоро вилоятдан Ирода Ҳамроева ҳамда фарғоналик теннисчи аёл Муқаддас Холматова кейинги ўринларни қўлга киритишди. Теннисчи эркаклар ўртасида эса бухоролик Карим Рўзиев биринчи ўринга сазовор бўлди. Шунингдек, андижонлик Анварбек Азизов II ўрин, фарғоналик Камолитдин Юсупов III ўрин соҳибига айланишди. Сурхондарё вилоятдан Людмила Нейман, Сирдарё вилояти вакили Шоҳида Исоқова ва хоразмлик Инобат

## Касаба уюшма спорти

Ортиқова енгил атлетика бўйича аёллар гуруҳида кучли учликни ташкил этишди. Эркаклар орасида Самарқанд вилояти спортчиси Алишер Бойсариевга тенг келадигани топилмади. Кейинги ўринларга Фарғона вилоятдан Ихтиёр Дадақўзиев ва Андижонлик Элдор Маҳмудов муносиб кўрилди. Оилавий жамоалар беллашувида қашқадарёлик Холбозоровлар оиласи биринчи, фарғоналик Ўринбоевлар оиласи иккинчи, қорақалпоғистонлик Абдиевлар оиласи учинчи ўринлар соҳиб бўлишди. Ақл гимнастикаси — шахмат ўйинларида аёллардан Мамлакат Асламова (Фарғона) I ўриндан, Дилрабо Ҳайдарова (Қашқадарё) II ўриндан, Инобат Ортиқова (Хоразм) III ўриндан жой эгаллашган бўлса, Насим Ҳусанов (Наманган), Зоҳид Омонов (Жиззах) ва Симадёр Тоғаев (Тошкент вилояти) фахрли ўринларни бўлишиб олишди. Энг куч-



ли шашкачи аёллар сифатида қашқадарёлик Дилрабо Ҳайдарова (I ўрин), навоийлик Орзугул Мусаева (II ўрин) ва сирдарёлик Маъмура Сариева (III ўрин) эътироф этилди. Бухоролик Истам Ашуров, жиззахлик Зоир Атағозиев ҳамда наманганлик Бекмирза Тўрабоев эркаклар ўртасида галабага эришишди. Умумжамоа ҳисобида Фарғона вилояти вакиллари I ўринга лойиқ топилди. Қашқадарё ва Андижон вилоятлари жамоалари кейинги поғоналарга кўтарилдилар.

Ғолиблар Марказий Кенгашнинг диплом ва қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирландилар.



## Сўз — иштирокчиларга:

### Дилрабо ҲАЙДАРОВА — Қашқадарё вилояти:

— Шахмат ва шашка ўйинлари — жону дилим. Кўпдан буён ўзимга ўхшаш шахматсеварлар билан баҳс юритиб, кучимни синаб кўришни орзу қилардим. Мазкур спартакиада мен учун катта имконият бўлди. Мусобақаларда қатнашиб, икки турда ҳам фахрли ўринларни қўлга киритдим. Бу нарса кўнглимга чексиз қувонч бағишлади. Мана шундай спорт тадбирлари янада кўпроқ ўтказиб турилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

### Мастура ИБРАГИМОВА — Андижон вилояти:

— Ҳаётимни спортсиз тасаввур қилолмайман. Ишдан бўш вақтларда стритбол севимли машғулотибга айланган. Жамоамиз бахсларда яхши натижаларга эришди. Бунда менинг ҳам ҳиссам борлигидан қалбим ғурурга тўлди.

Очиги, спортга бўлган қизиқишимга оддий бир ҳавас сифатида қарардим. Мусобақалар давомида бу ҳавас янада кучайиб, маҳоратимни оширишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим.

### Орзугул МУСАЕВА — Навоий вилояти:

— Бу ерда спорт инсон учун ҳар томонлама фойдали эканлигини чуқур тушуниб етдим. Беллашувларда иштирок этарканман, ўзимни қушдай енгил ҳис қилдим. Кучимга куч қўшилди. Айниқса, шундай гўзал табиат қўйнида спорт ўйинларида қатнашиш кишига ўзгача бир руҳ бағишлайди. Бундай эзгу ишларни уюштираётган тармоқ касаба уюшмаси раҳбарларига ўз миннатдорчилигимни билдираман.

### Исроил НУРАЛИЕВ — Сурхондарё вилояти:

— Халқимиз азалдан яхши кунларини спорт беллашувлари билан нишонлаб келган. Бойси, спорт тинчлик, эзгулик, кучлилиқ рамзи сифатида улуғланган. Шу маънода ушбу тадбир муқаддас тушунчаларни ўз ичига қамраб олди, десам муболаға бўлмас. Ҳар бир иштирокчи кўнглида ёруғ умидларни кўргандек бўлдим. Мен ҳам турмуш ўртоғим ва қизим Нисо билан оилавий жамоалар мусобақаларида қатнашиб, бир олам таассурот билан уйга қайтаёпмиз.

Тўлқин ШЕРНАЕВ,  
«Ишонч» мухбири

Икром ҲАСАНОВ  
олган суратлар



**Меҳмон ўрнидан кўзгалмоқчи бўлса, дастурхонга фотиҳа ўқилади. Тангридан тинчлик-омонлик сўралади, яратганга неъматлари учун шукроналик билдирилади. Бу — хонадонга ҳурмат нишонаси.**

**Бир неча йил бирга ишлаган кадрдонлар даврасида кечган самимий хайрлашувдан кейин, алоҳида хайр-хўш қилиш нияти билан бошлиқ хузурига кирдим. У кишининг дўстона маслаҳати, фикр-мулоҳазалари бундан кейинги фаолиятим учун дастур бўлиши мумкин деган ўйда уларни газетхонлар билан баҳам кўраяпман.**

Юртимиз мустақилликка эришгач, миллий анъаналаримиз тикланаётганлигини кўриб, севинчдан кўзларимга ёш қалққан. Хаяжонланиб шеърлар битганман. Ўз тарихига, ўз қиёфасига эга бўлган, ўзига хос йўлни танлаган бу менинг юртим — Ўзбекистон. Мен учун ягона Ватан. Уни ҳеч кимга, ҳеч қандай қимматлик эвазига бермам.

Ғанимлар кўз олайтирган вақтлар ёзган бир шеърим хаёлимдан ўтади:

**Тилиминг остида асралган  
жавҳар,  
Тилимни суғуриб олсалар  
бермам.  
Юрагим тубида қайнаган  
кавсар,  
Юрагим суғуриб олсалар  
бермам.**

**Тунлар қийнасалар тортиб  
тирноғим,  
Тонгда унсиз титраб мумкин  
тинмоғим.  
Жоним бу, мен эса ягона  
қайсар,  
Жонимни суғуриб олсалар  
бермам.**

Келгуси орзу-ниятларим ҳақида эҳтирос билан сўзлайман. У мени узоқ тинглайди. Сўзимни бўлмайди. Сўнг қўли билан кўрагига ишора қилиб, "Қалбингизга қулоқ солибсиз, у алдамайди", дейди вазминлик билан дона-дона қилиб, сўнг давом этади:

— "Ишонч" газетасида ишлашни ихтиёр қилибсиз, омад тилайман. У халққа яқин газета. Бунинг қадрига етиш керак. Матбуотда ишлаш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келвермайди. Юсак иқтидор лозим. Қаламингизга, ҳақиқат ва адолатга содиқ қолинг!

Гурунгимиз ўз-ўзидан Ватан мавзусига қайтади. Она юрт ҳақида мен каби шеърлар ёзиш шарт эмас, шундай амалий иш қилиш керакки, у ҳар

қандай мумтоз ашъордан жаранглироқ янграсин.

— "Мен Ватанни севаман!" деб кўрагига урадиганларга ишонгим келмайди. Прокуратура ходимлари ҳам деҳқонлар билан елкама-елка туришиб меҳнат қилишяпти. Ўзларининг бевосита хиз-

матларини ҳам унутиб қўйишаётгани йўқ. (Менга қишлоқ хўжалигига ҳуқуқий ва амалий ёрдам кўрсатиш учун биркирилган ходимлар рўйхатини узатади). Буни Ватанни севиш деса бўлади, фидойилик деса ҳам муболага бўлмас. Самараси эса салмоқли. Бу — мўл-қўл пахта, тонна-тонна галла демак. Бу — ун. Бу — ризқу насиба. Халқимиз тўқ бўлса, бунёдкорлик бўлади, бошқа орзулар ҳам амалга ошади.

Шунчаки ойлик маош учун ишлаш ёхуд кинғир йўллар билан чўнтак қап-пайтиришни (афсуски, шундайлар ҳам учрайди) одат қилганлар гариб кимсалардир. Қалбида ватанпарварлик ғояси, она юртни юксалтириш иштиёқи билан ҳалол меҳнат қилишнинг гашти ўзгача.

Баъзи мансабдорлар оддий халқни менсимайди, деб кўюниб сўзлаясиз. Тўғри, шундайлари ҳам бор. Ундайларга ўзинг қардан чиққансан, сени одам қилган ким, деб савол беринг. Бундайларнинг оёғи узангидан узилгач, хаёли жойига келади. Сурхондарёликларнинг бир ибораси бор. Бу ҳали хом шафтоли, дейишади. Яъни, гапида маъно,

шира йўқ демакдир. Аввал халқ учун нимадир ярат, дардига шерик бўл, сўнг унинг олдига чиқиб баландроқ гапирсанг арзир.

Тўғри айтдингиз, соғлом фикрли ватанпарвар, маънавиятли кишилар халқ ичига кириб борсин. Ватан туйғуси ёт бўлган баъзи чала мулалар (мени кечирсинлар) тўртта арабча сўзни қироат билан ўқиганларидан мағрурландилар. Шуниси ажабланарлики, олий маълумотли, ўқимишли кишилар ҳақиқатдан йироқ афсоналарни жимгина тинглайдилар. Оқил бўлсанг, элни тарбиялайдиган, қусурлардан ҳоли қиладиган гаплардан гапир. Кишиларни адашишдан

## Янги ходим иш бошлади

Кечирган умрини хаёлдан ўтказайди. Тахлил қилади. Бу дунёда инсон фақат яхшилик қолдириши лозимлигини ҳис қилади. Шундай муқаддас заминда яшаётганига шукроналар келтиради". Бу самимий гапларнинг маъносини чуқурроқ англайлик.

Тўғри, гуруч курмаксиз бўлмайди, дейишади. Биз истеъмол қиладиган неъматларда ҳам зарарли моддалар бўлиши мумкин. Аммо жуда оз миқдорда. Шунинг учун танзимга зиён етказмайди. Худди шундай, жамиятда ҳам ўғри, муттаҳамлар бор, лекин жуда камчиликни ташкил қилади. Шу боис, улар қанча уринишмасин жамиятни ортга бурулмайдилар. Яхшилар кўп экан, олға бораверамиз, юртимиз равнақ топаверади.

Мана, Қарши шаҳрининг қиёфаси қандай гўзал тус оляпти. Бу кеча-кундуз қилинаётган тинимсиз меҳнатнинг ёрқин манзараси. Гувоҳи бўлдингиз, куни кеча "Умид ниҳоллари - 2006" спорт мусобақалари қандай уюшқоқлик билан жуда чиройли ўтказилди. Ортбо-

шимиз таъбири билан айтганда, азиз Ватаннимизни, унинг озоғлиги ва мустақиллигини кўз қорачиғидай асраб-авайлай оладиган, ҳимоя қилишга қодир фидойи, баркамол инсонлар вояга етаётганлигидан гурурланасан киши. Зеро, биз бунёдкор элнинг фарзандларимиз. Томиримиз теран.

Хайрлашарканман, юрагимни ёқимли туйғу ва аллақандай ўртаниш қамрайди.

Прокуратура тизимида ҳам ёмон меҳнат қилмадим. Энди, қаламини сағир қолдириб, эллик ёшида ёруғ оламни тарк этган акам — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Муса Каромовнинг руҳи мададкор бўлсин дея матбуот соҳасидаги фаолиятимни бошлайман.

**Довуд МАДИЕВ,**  
хуқуқшунос-журналист

# ЖАРАНГЛАЙДИ СЎЗДАН-ДА БАЛАНДА

асра. Турли хил ғайриинсоний оқимларга мойилларнинг кўзини оч. Залолатга эмас, ҳидоятга бошла. Ғийбат ўрнига кишиларни яхшиликка унда, одамлар қалбида муқаддас Ватанга меҳр уруғини соч, меҳнатинг, гўзал маънавиятнинг билан ўзинг уларга ибрат бўл!

Бежизга Ватанни саждагоҳ каби муқаддас дейишмайди. Бизнинг Қашқадарё заминида ҳам муборак зотлар қадами етган, мангу осойиш топган маконлар кўп. Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги тўйини ўтказиш тарафдорида бу масканларни обод қиладиганлар улкан савобга қоладилар.

Яқинда Президентимиз Ислоҳ Каримов қадимий Бухорода бўлганларида шундай деган эдилар: "Муқаддас жойларни зиёрат қилиб туриш ҳар бир инсон учун фойдали. Чунки, бунақа пайтда одам ўзида руҳан енгиллик сезади.

**1998 йил эди чамамда. Ўшанда Тиркаш Очиллов Қашқадарё вилоят "Матбуот тарқатувчи" (у вақт очик хиссадорлик жамияти эди)га янги раҳбар бўлиб келганди. Эсимда бор, бир суҳбатимизда олдинги раҳбарият (жамият раҳбари) даврида кўп адолатсизликларга йўл қўйилганлигини тилга олиб, "Ҳозирги замон талаби бошқа. Одамлар кўнглини олишга ҳаракат қилиш керак", деганди у. Ўшанда бу гаплардан хурсанд бўлгандим...**

Лекин буни қарангки, яқин 5-6 йил ичида айтарли ижобий ўзгариш юз бермади. Оддий одамлар орасида вилоятдаги турли "Матбуотчи" дўконлар фаолиятдан, "Матбуотчи" жамиятида ишлайдиган айрим дўкондорлар жамият раиси Тиркаш Очилловдан ранжишаётганини эшитган бўлсак-да, "иш бор жойда камчилик бўлади-да" қабилида бунга унчалик аҳамият бермаган эдик.

Яқинда вилоят "Матбуот тарқатувчи" масъулияти чекланган жамиятнинг бир гуруҳ ходимларидан шикоят хати олдик. Унда, жумладан, шундай дейилган:

"...Қарши шаҳридаги "Матбуотчи" дўкондорларининг аксарияти аёллар. Улар қиш совуғини — совуқ, жазирама иссиғини — иссиқ демай ишлашади. Лекин манфаатдорлик йўқ. Қизиқ, ким текинга ишлаб беради. Адолатсизликлар норозиликларга сабаб бўлаёпти. Гапимиз қуруқ бўлмасин. 1994 йил акционерлик жамиятига ўтганимиз-

дан сўнг, бирор бир натижа кўрмадик. 1998 йил Тиркаш Очиллов раҳбар бўлди. Энди дивидент олармиз, дея ўйлагандик. Лекин чучварани хом санаган эканмиз.

Ахир шунча йил ишлаб бирор марта дивидент олмаслик мумкинми? 1998 йил идорамиз масъулияти чекланган жамиятга айланди. Аниқроғи, эски тўн янгисига алмаштирилди. Ўтган йиллар на маошга, на фойдага ёлчидик. Барча дўконлар учун ижара шартномаси жорий этилди. Аммо бу ҳам натижа бермади. Ҳавога отилган тош қанча олис кетмасин, охири ерга тушяпти. Эътироз ва шикоятларимизни текширгани келишади — ўргангандек бўлишди... Афсуски, яна ўша ахвол..."

Шикоят юзасидан ўнлаб дўкондорлар билан суҳбатладик.

— 1994 йил акциядор бўлгандик, — дейди шикоятчилардан бири Х.Насимова. — Тиркаш Очиллов даврида акциялар йўқ қилинди. Аниқроғи, ўша пайт сотиб олган акцияларимизни Очилловнинг ўзи эндиликда арзимаган пулга сотиб олди. 2005 йил мажбуран ижарага чиқариб, ишдан бўшаш тўғрисида ариза

## Аччиқ, аммо очик гаплар

шунмайман. Ҳеч қачон моддий ёрдам олмаганман. Ҳар йили обунана имкон борича ҳисса қўшамиз. Лекин булар ҳисобга ўтмайди.

Хуллас, гап кўп. Шикоятчилар мурожаат қилмаган идора қолмаган, ҳисоб. Лекин, қизиқки, текширувчилар "ҳамма ишлар жойида" деган мазмундаги хулоса ёзиб кетишаверган. Айтинг-чи, бундай вазиятда "ҳамма ишлар жойида" бўлиши мумкинми?

Ўзбекистон Республикаси "Матбуот тарқатувчи" АК томонидан шикоятни ўрганишга доир текширув-ийгилиш баённомаси ғалати таассурот уйғотиши кишида. Чунки, баённомада мавжуд шикоятнинг асл ўзаги ҳисобланмиш — акция, дивидент хусусида бир тўхтама келинмаган. Шикоятчилардан бири Нилуфар Ҳакимованинг фарзанди 2 ёшга тўлган бўлса-да, шу вақтгача берилиши керак бўлган нафақа тўланмаган.

Иккинчидан, бугунги кунда жамиятнинг 80 миллион сўмга яқин қарз ботқоғига ботишига сабаб нима экан?..

Дарвоқе, Чироқчи туманини

2005 йил обунаси учун вилоят ва республика на-

шрларига қарзга(!) обунани қилиш эвазига юзага келган 20 миллион сўмга яқин қарздорликни қандай изоҳлаш мумкин?! Бу, кўра-била туриб жамият аъзолари манфаатига путур етказиш эмасмикан?

Иш берувчи — ишловчининг туб ижтимоий ҳолатини тўлиқ ўрганмай туриб, иш талаб қилиш мақсадга мувофиқ эмас. Жамият маъмурияти эса бу жиҳатларни ҳисобга олман. Қолаверса, мулк шакли ўзгаргани билан ишда ижобий ўзгариш сезилмасе, бари бекор. Бинобарин, шикоят ва эътироз йўқ ердан туғилмайди.

Қисқаси, омилкорлик, ташаббускорлик, тадбиркорлик бўлмаса, кутилган натижалар юзага чиқмайди, фақат ходимлар орасидаги турли хил мишмишу норозиликларга сабаб бўлади...

Беихтиёр мамлакатимиз Президентининг қуйидаги сўзлари ёдга тушади: "Ҳақиқий раҳбар одамларнинг кўнглига йўл топиб, уларни эзгуликка, яхшиликка, яратилган давлат қиладиган ва ўзи ҳам одамлар юрагидан жой олади..."

Бунинг мағзини чақмоқ, уқиб олмоқ керак. Акс ҳолда иш бароридан келишига умид боғлаш қийин.

**Илхом КАРОМОВ,**  
«Ишонч» муҳбири

# ҲАВОГА ОТИЛГАН ТОШ

ёзиб беришга мажбур қилди. Ҳар ой 5000 сўмдан ижара ҳақи тўлаб, барча газета-журналлар пулини топшираемиз. Лекин маошдан дарак йўқ. Ахир бунга қандай чидаш мумкин? Ўттиз йилдан буён шу дўконда ишлайман. Лекин Тиркаш Очиллов даврида бирор марта рағбатлантирилганим йўқ. Даволаниш хусусида ўйламаса ҳам бўлади...

Шикоятчилардан яна бири М.Номозова шундай дейди:

— Тиркаш Очилловдан умидимиз катта эди. Бошида яхши ишладик. Лекин 2005 йили ёппасига-ҳаммамизни ижарага чиқазиб юборганини ҳалигача ту-

# Интернет

## хабарномасидан

### ПЕТЕРБУРГДА ЯНГИ ФАВВОРА МАЖМУАСИ



Петербургда "Русское слово" фестивалини ўтказиш учун ташриф буюрган Россия президенти рафиқаси Людмила Путина Москва майдонидаги фавворалар мажмуасининг очилиш маросимида қатнашди. Шаҳар губернатори Валентина Матвиенко ҳам тантанада ҳозир бўлди.

Президентнинг рафиқаси шаҳар аҳолисини ушбу муҳим воқеа муносабати билан табриклаб, охириги йилларда Нева дарёси қирғоғида жойлашган шаҳарда кўплаб ўзгаришлар бўлаётганини таъкидлади. "Шаҳрингизнинг кундан кунга гўзаллашиб бораётганини кўриш гоёта мароқли", деди у.

Маросимнинг қизгин палласи фавворанинг ишга туширилиши бўлди. Бу юмушни Людмила Путина ва Валентина Матвиенко амалга оширишди.

### ШАРТНОМА БЕКОР ҚИЛИНИШИ МУМКИН

Эрон ҳукумати билан Япония давлати ўртасида 2004 йил феврал ойида "Азадеган" қонидаги нефтни қазиб олиш бўйича ўзаро шартнома имзоланган эди. Яқинда Эрон томон ана шу ҳужжатни бекор қилиши ва бу борада Хитой билан ҳамкорлик ўрнатиши мумкинлигини эълон қилди.

### КОМПЬЮТЕР ФИРМАСИ ПРЕЗИДЕНТИ

#### асранди қизини ўлдиргани учун 25 йилга қамалди

АҚШ фуқароси Пегги Сью Хилт асраб олган россиялик қизининг жонига қасд қилгани учун 25 йил қамок жазосига ҳукм қилинди. Уни Виржиния штатининг Манассас шаҳри суди эълон қилди.

34 ёшли америкалик аёл Иркутскдаги болалар уйдан Нина исмли қизни ўз қарамоғи олган. 2005 йил 2 июн куни Пегги Хилт тез ёрдам машинасини чақириб, боланинг ўзи вафот этганлигини айтган. Лекин суриштирувда қизча қаттиқ калтаклашиш натижасида ўлганлиги маълум бўлди. Шунга қарамасдан, у қилган айбига шу йилнинг март ойи бошидагина иқдор бўлди.

Қизиги шундаки, ҳибсга олинганча Пегги Хилт эри Крисоферга қарашли "Hiltech" компьютер фирмасининг президенти лавозимида ишлаган. Бирок, унинг турмуш ўртоғи бу жиноий ишда қатнашмаган.

Хилтнинг Украинадан асраб олган яна бир қизи борлиги аниқланди. Ҳозирги кунда у маҳаллий ижтимоий ҳимоя идоралари оталигида яшамокда.

### РОССИЯ ЎРМОНЛАРИДА ЁНГИН

Ҳавонинг қуруқ келиши Иркутск вилояти ўрмонларида ёнгини ўчоқларининг кўпайишига сабаб бўлди. Ҳозирги кунда уларнинг сони 92 тага етган бўлиб, ёнгин етти минг гектардан ошди майдонни эгаллади. Мутахассисларнинг фикрича, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бир минг гектардан зиёд ўрмон ёнгиндан азият чеккан.

Энг катта ёнгин Тайшет туманидаги Бирюсинск ўрмон хўжалиги ва Байкалолди миллий боғида кузатилди. Бу ерларда 380 гектар ўрмон аланга ичида қолди. Ҳозирги кунда вилоятда 737 нафар ўрмон хўжалиги ходими, 18 нафар ўт ўчирувчи-парашютчи, 200 нафарга яқин сафарбар қилинганлар ушбу фожеа билан курашмоқда.



### ПОРТЛАШДАН ИККИ НАФАР КИШИ ЖАБР КЎРДИ

Куни кеча Москва шаҳрида жойлашган бозорлардан бирининг ёнида турган автомобиль портлади. Россия ахборот агентлигининг хабар беришича, фожеа тахминан кечқурун 20.15 да юз берди. Оғир жароҳат олганлар шифохонага жойлаштирилди.

Фожеа юз берган жойга шу заҳоти ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва Фавкуллода вазиятлар вазирлиги ходимлари етиб келишди. Уларнинг айтишича, фалокатдан икки нафар киши жабр кўрган.

### ТЎН ҲАМ, ГОЛ ҲАМ БЎЛДИ

Бундай тантанани илгари ҳам кўргандик, десак жуда кўпчилигимиз ёлгонга ошно тутунган бўламиз. Эҳтимол футболни ривожланган ва миллий спорт турига айланган Бразилия, Аргентина каби мамлакатларда шундайдир. Аммо, эътироф этишимиз лозим, биз ўзбекистонликлар бунақасини аввал кўрмаган эдик. Ҳатто, очигига кўчиб қўя қолайлик, "Пахтакор" футбол жамоаси ташкил топганлигининг ярим асрлик тўйи ҳақида гап-сўзлаб баралла янграй бошлаганда ҳам бу даражада тантанавор тусга киришини тасаввур қила олмагандик.

Шу куни мухлислар кўришни орзу қилганларидан-да кўп нарсаларнинг бевосита гувоҳига айланишди. Ўзбекистон ош ҳам бўлди, бундай пайтларда урфга кирган тўн кийгизишлар ҳам бўлди, куёш уфққа бош кўяр чоғи "Пахтакор" стадионида эски қадрдонлар — Тошкентнинг "Пахтакор" ва Москванинг "Торпедо" жамоалари ўртасида бошланган ўртоқлик учрашувида голлар ҳам бўлди. Худди бундан эллик йил бурун бўлгани каби дарвозалардан жой олган тўплар томошабинларнинг хайқириқларию олқишлари билан кутиб олинди.

Шуниси диққатга сазоворки, байрамона кайфиятга ҳамоҳанг равишда гарчанд ўйинда 2:1 ҳисоби қайд этилган бўлса-да, ҳар учала гол муаллифи аслида пахтакорчиларнинг ўзлари бўлишди. Бошқача айтганда, "Пахтакор" дарвозасидан жой олган ягона гол ҳам бугунги кунда "Торпедо" таркибида ўйнаётган эски танишимиз Александр Гейнрих томонидан амалга оширилди.

Шу куни футбол шинавандалари анчадан буён соғиниб қолганлари ва шу боис ҳам шоду хуррамлик билан кутиб олинган кўплаб собиқ пахтакорчиларни олқишлаш шарафига муяссар бўлдилар: Юрий Пшеничников, Биродар Абдураимов, Виталий Суянов, Акмал Азизхўжаев, Геннадий Денисов, Тўлаган Исоқов, Баҳодир Иброҳимов, Ахрол Иноятов...


Улар жуда кўпчилик. Шубҳа йўқки, бу саф янада кўпайиб боради: ёш, иқтидорли, юрт шарафини оламга ёядиган истеъдод эгалари билан бойишда давом этади. "Пахтакор" стадионида бўлиб ўтган ажойиб тантана ишончимизга ишонч кўшди. Зеро, байрам қилишни билган эл зафарлар пиллапоёсидан дадил кўтарилишни ҳам билади.

### МИШ-МИШМИ ЁКИ ҲАҚИҚАТ?

Англия матбуоти яна Ўзбекистон терма жамоаси ҳамда Киевнинг "Динамо" клуби аъзоси Максим Шацкихни Туманли Албионга чорламоқда. Бу сафар ўтган галгидек Бирмингемнинг "Вест Бромвич" жамоаси эмас, балки "Шеффилд Юнайтед" жамоаси тошкентлик ҳужумчини нишонга олди.

Хабарингиз бор, мавсум бошида Англия премьер лигасини тарк этган "Вест Бромвич" клуби ҳам Шацкихни қўлга киритишга ҳаракат қилиб кўрганди.

"Шеффилд Юнайтед" жамоасининг расмий веб-саҳифасида ҳозирча бу ҳақда бирор бир маълумот йўқ. Бу гап асосан кундалик нашрларда чоп этилган.



### ОРАЛАРИДАН ҚОРА МУШУК ЎТДИ

Бўсағада жаҳон чемпионати эшиклари ланг очилган бир пайтда Франция терма жамоаси қароргоҳида ноҳуш кайфият юзага келди. Бош мураббий Раймон Доменек ва дарвозабон Григори Купе ораларидан қора мушук ўтди.

Ҳаммаси асосий дарвозабон ким — Купеми ёки Бартезми деган келишмовчиликдан келиб чиқди.

Мураббийнинг бу қарори мутахассислар ўртасида ҳам турли мулоҳазалар билдирилишига сабаб бўлди. Дарҳақиқат, ҳозирги паллада Купе мамлакатда мавжуд дарвозабонлар ичида энг яхшиси ҳисобланади. Лекин Бартез ҳам анойилардан эмас. Муҳими, халқаро мусобақалар ҳадисини олиб улгурган жуда тажрибали футболчи.

Шундай бўлишига қарамай, Купе аразини қаттиқ ушлаб машғуллар ўтказилаётган қароргоҳни тарк этди. Яхшиямки, "Лион" президенти Жан Мишел бор экан. У ўз клуби аъзосини амаллаб орта қайтишга кўндирди.

Франция футбол раҳбарияти содир бўлган можарони шарҳлашдан бош тортди, бошқача айтганда, бегоналарнинг диққатини ўзига тортганини хоҳламади.

# Спорт + футбол

### Бокс

#### "ТЕМИР МАЙК" — ШАРҲЛОВЧИ

Ўта оғир вазн тоифасида собиқ мулоқ жаҳон чемпиони Майк Тайсон ушбу вазнда WBC йўналиши бўйича жаҳон чемпиони Хасим Раҳмон ва россиялик боксчи Олег Маскаев ўртасида бўладиган жангга промоутер қилиб тайинланган Боб Арумнинг таклифини қабул қилди. Шундай қилиб, у 12 августда мазкур баҳсни шарҳлайдиган бўлди.

— Бу мен учун ажойиб янгилик, бунинг учун жаноб Арумга миннатдорчилик билдираман, — деди Майк ўз дил сўзларини изҳор қилиб. — Бутун дунёдаги мухлисларимга бокс хусусидаги билимларимни ўртоқлашиш имконияти берилганидан бахтиёрман.





21.30 "Журналист тахлили". 21.50 "Ягонсан муҳаббат". 22.10 "O'zbektelefilm" студияси намойиш этади: "Мош табиб". Телевизион фильм. 22.40 "Баралла куйла". Бадий фильм. 00.25-00.30 "Хайрли тун, шаҳрим".

4.05 Фильм "Золотая медюза". Продолжение 4.15 "Подводный мир Андрея Махаревица".

SPORT-TV

Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан, 29 май куни "Sport" телерадиоканали ўз кўрсатувларини 18.00 дан бошлади. "Sport" телерадиоканали. 18.00 "Болалар спорти". 18.15 Мультифильм. 18.30 "Хабарлар" (Рус тилида) 18.50 "Жди меня". 20.00 "Вести". 20.30 "Футбол шархи". 20.50 "Спортимиз маликалари". 21.15 "Тет-а-тет". 21.30 "Хабарлар". 21.50 "Срочный вылет". Серил. 22.40 "Проф-РИНГ". 23.30 "Еврофутбол". Мавсумнинг энг чиройли голлари. 00.20 "Тунингиз осуда бўлсин!"

ПЕРВЫЙ

4.55 Телеканал "Доброе утро" 8.00 Новости 8.05 Телеканал "Доброе утро" 8.35 "Убойная сила". Многосерийный фильм 9.30 "Детективы" 10.05 "Малахов + " 11.00 Новости 11.15 Серил "Талисман" 12.10 Мистер Бин в комедии "Агент Джонни Инглиш" (2003 год) 14.00 Новости (с субтитрами) 14.20 "Лолита. Без комплексов" 15.10 Премьера. "Доктор Курпатов" 15.50 "Федеральный судья" 17.00 Вечерние новости (с субтитрами) 17.15 "Вне закона". "Белая стрела" 17.50 "Любовь как любовь". Многосерийный фильм 18.50 "Жди меня" 20.00 Время 20.30 Премьера. "Мошеники". Многосерийный фильм 21.30 Спецрасследование. "Дети на продажу" 22.30 Теория вероятности. "Проклятие вирусов" 23.15 Ночные новости 23.30 "Гении и злодеи". Три выстрела зодчего Шусева" 0.05 Программа Сергея Шолохова "Тихий дом" на Канском фестивале 0.35 Фильм "Золотая медюза" 2.00 Новости 4.00 Новости

РОССИЯ

4:00 "Доброе утро, Россия!". 7:45 Евгений Перов, Марина Дюжева, Наталья Егорова, Евгений Киндинов, Марина Яковлева, Евгений Лебедев и Любовь Соколова в фильме "Срочный вызов". 1978г. 9:45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ. 10:00 ВЕСТИ. 10:30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА. 10:50 "Комната смеха". 11:45 "Частная жизнь". Ток-шоу с Владимиром Молчановым и Ликой Кремер. 12:45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ. 13:00 ВЕСТИ. 13:20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА. 13:40 Эдуард Марцевич, Виктор Степанов, Борис Галкин, Алексей Горбунов и Владимир Литвинов в детективе "Охота за тенью". 2005г. 15:25 "Смехопанорама Евгения Петросяна". 16:20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА. 16:40 "Обреченная стать звездой". Телесериал. 17:40 Михаил Мамаев, Виктор Вержбицкий, Инга Стрелкова-Оболдина, Эммануил Виторган, Людмила Нильская, Алексей Булдаков, Александр Берда, Владимир Долгинский и Анатолий Лобозкий в телесериале "Волчица". 18:40 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ. 19:00 ВЕСТИ. 19:40 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА. 20:00 "Спокойной ночи, малыши!". 20:10 РУССКАЯ СЕРИЯ. Мария Шукшина, Ярослав Бойко, Александр Абдулов, Ольга Остроумова, Татьяна Кравченко, Нина Ургант и Сергей Чонишвили в телесериале "Я тебя люблю". 21:15 "Мой серебряный шар. Сергей Мартинсон". Ведущий - Виталий Вульф. 22:15 ПРЕМЬЕРА. Илья Носков, Дмитрий Дюжев, Елена Сафонова, Анна Дубровская, Ольга Полякова и Елена Полякова в телесериале "Счастливы". 23:15 "ВЕСТИ". 23:35 "Честный детектив". Авторская программа Эдуарда Петрова. 0:05 "Синемания". 0:40 "Дорожный патруль". 0:55 НОЧНОЙ СЕАНС. ПРЕМЬЕРА. Криминальная комедия "Сейчас или никогда" (Германия), 2000г. 2:25 Канал "Евроньюс" на русском языке. 3:40 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.

ТВ-3

7.30 Победоносный голос верующего. 8.00 Мультисерил "Гарфилд". 6-я серия. 8.30 Мультисерил "Секреты Сабрины". 18-я серия.

9.00 Мультисерил "Маска". 2-я серия. 9.30 Русские мультфильмы. 10.00 Художественный фильм "СЛУЖАНКА". США, 1991. 12.00 Художественный фильм "БРЕМЕНСКИЕ МУЗЫКАНТЫ". Россия, 2000. 14.00 "Осторожно, модерн!" 14-я серия. 14.30 Русские мультфильмы. 15.00 Художественный фильм "УЧИТЕЛЬ ГОДА". США, 2005. 17.15 Художественный фильм "КРЫСИНЫЙ УГОЛ". Россия, 1992. 19.00 Серил "ТРЕТЬЯ СМЕНА". 20.00 Художественный фильм "ДОБЕЙСЯ УСЛЕХА". США, 2000. 22.00 Художественный фильм "ДОСПЕХИ БОГА-1". Гонконг, 1987. 0.00 Художественный фильм "ВИНОВЕН ВНЕ ВСЯКОГО СОМНЕНИЯ". США, 1993. 2.00 Художественный фильм "ДУРАКОВ НЕТ". США, 1994. 4.00 Серил "ТРЕТЬЯ СМЕНА".

СТС

7.00 "КАК СКАЗАЛ ДЖИМ". Многосерийный художественный фильм. 2 серии. 7.50 "Смешарики". Многосерийный мультипликационный фильм. 8.00 "Веселые мелодии". Многосерийный мультипликационный фильм. 8.30 Комедия. "МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ". 9.00 "НЕ РОДИСЬ КРАСИВОЙ". Многосерийный художественный фильм. 10.00 Истории в деталях. 10.28 Настроение с Евгением Гришковцом. 10.30 Комедия. "ДЕДУШКА МОЕЙ МЕНТЫ". 11.00 Кино на СТС. "БОЛЬШОЙ ЧЕЛОВЕК". 13.30 "БЕДНАЯ НАСТЯ". Многосерийный художественный фильм. 14.30 "Соник Икс". Многосерийный мультипликационный фильм. 15.00 "Король Артур и рыцари без страха и упрёка". Многосерийный мультипликационный фильм. 15.30 "Самурай Икс". Многосерийный мультипликационный фильм. 16.00 "Шаман Кинг". Многосерийный мультипликационный фильм. 16.30 "Подземелье драконов". Многосерийный мультипликационный фильм. 17.00 Комедия. "ЛИЗЗИ МАГУАЙЕР". 17.30 Комедия. "ШКОЛА "ЧЕРНАЯ ДЫРА". 18.00 Комедия. "САБРИНА - МАЛЕНЬКАЯ ВЕДЬМА". 18.30 "ЗАЧАРОВАННЫЕ". Многосерийный художественный фильм. 19.30 Комедия. "ДЕДУШКА МОЕЙ МЕНТЫ". 20.00 Комедия. "МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ". 20.30 Истории в деталях. 20.58 Настроение с Евгением Гришковцом. 21.00 "НЕ РОДИСЬ КРАСИВОЙ". Многосерийный художественный фильм. 22.00 Комедия. "КТО В ДОМЕ ХОЗЯИН?". 22.30 Кино на СТС. "ЧЕСТЬ И ЯРОСТЬ". 0.30 Истории в деталях. 0.58 Настроение с Евгением Гришковцом. 1.00 Комедия. "КТО В ДОМЕ ХОЗЯИН?". 1.30 Детали. 2.30 "ТАКСИСТ". Многосерийный художественный фильм. 3.15 Кино на СТС. "АРМЕЙСКИЕ ПРИКЛЮЧЕНИЯ". 4.45 "ДЕТЕКТИВНОЕ АГЕНТСТВО "ЛУННЫЙ СВЕТ". Многосерийный художественный фильм. 2 серии.

НТВ

5:00 Информационный канал "СЕГОДНЯ УТРОМ". 8:05 "КУЛИНАРНЫЙ ПОЕДИНОК". 9:00 "СЕГОДНЯ". 9:20 "ЧИСТОСЕРДЕЧНОЕ ПРИЗНАНИЕ". 9:55 "КВАРТИРНЫЙ ВОПРОС". 10:55 "СЛЕДСТВИЕ ВЕЛИ...". 12:00 "СЕГОДНЯ". 12:30 Серил "МАРШ ТУРЕЦКОГО". 14:35 "ОБЗОР. ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ". 15:00 "СЕГОДНЯ". 15:20 Серил "СЫЩИКИ - 5". 17:35 "ОБЗОР. ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ". 18:00 "СЕГОДНЯ". 18:40 ПРЕМЬЕРА. Игорь Ботвин, Игорь Бесчастнов, Алексей Барабаш, Жанна Обухова в остросюжетном сериале "СЕКРЕТНЫЕ ПОРУЧЕНИЯ". 19:45 Михаил Мамаев в детективном сериале "ШАХМАТИСТ". 21:00 "СЕГОДНЯ". 21:40 ПРЕМЬЕРА. Серил "ОХОТА НА ГЕНИЯ". 23:50 "ШКОЛА ЗЛОСЛОВИЯ". Ток-шоу Татьяна Толстая и Авдотья Смирнова. Владимир Войнович 0:45 Стефания Сандрелли в фильме Тинто Брасса "КЛЮЧ" /Италия/. 2:50 ПРОФЕССИЯ-РЕПОРТЕР 3:10 Серил "ВЕРОНИКА МАРС" /США/ 4:00 Серил "ДЕДУД" /США/

ДТВ

7.55 Программа о туризме "Прекрасен край России". 8.00 Мультфильмы. 8.30 Мультфильмы. 9.00 Самое смешное видео. 9.30 Фильм-расследование "Как ухаживали кумиры". "Евгений Матвеев". 9.55 Музыкальная программа "Неслучайная музыка". 10.00 Телемагазин. 10.30 Автоновости "Карданный вал +". 10.50 Русский фильм. "ВСЕ МОГЛО БЫТЬ ИНАЧЕ". 13.05 Самое смешное видео. 13.35 Приключенческий серил "КОМАНДА А". 14.30 Детективный серил "КРУТОЙ УОКЕР". 15.30 Мультфильмы. 16.00 Мультфильмы. 16.30 Фильм-расследование "Как ухаживали кумиры". "Евгений Матвеев". 16.55 Русский фильм. "БЕЗБИЛЕТНАЯ ПАСАЖИРКА". 18.25 Музыкальная программа "Неслучайная музыка". 18.35 Хит-парад авантюры "Осторожно, афера!". 19.00 Детективный серил "КРУТОЙ УОКЕР". 20.00 Самое смешное видео. 20.25 Самое смешное видео. 20.55 Русский серил "МУЖСКАЯ РАБОТА-2". 22.00 Криминальный серил "ОКРУГ КОЛУМБИЯ". 23.00 Русский фильм. "ДОРОГА". 1.00 Автоновости "Карданный вал +". 1.20 Агентство криминальных новостей. 1.45 Приключенческий серил "КОМАНДА А".

O'ZBEKISTON

5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" 8.00-8.45 "Тахлинома". 8.45 ТВ анонс. 8.50 Олтин мерос. 9.00 "Олам ва одам" дастури: "Дунёдаги энг катта мехмонхона". 9.50 "Камалат" экрани. 10.40 "O'zbektelefilm" намойиши: "Ез нафаси". 10.50 ТВ анонс. 10.55 "Сизнинг адвокатингиз". 11.00 "Ахборот". 11.10 ТВ анонс. 11.15 "Омон бўлинг!". 11.20 "Табиб". Бадий фильм. 1-кисм. 12.25 ТВ анонс. 12.30 "Табиб". Бадий фильм. 2-кисм. 13.30 "Ассалом, Ўзбекистон!" Кундузги дастур. 14.00 "Ахборот". 14.15 "Ассалом, Ўзбекистон!" Кундузги дастур. 14.50 "Жиддий ўйин". 15.40 "Одами эрсанг". 16.00 "Шахсий фикр". 16.35 ТВ анонс. "Болалар сайёраси": 16.40 "Эртақлар - яхшиликка етаклар". 17.00 "Ахборот". 17.10 ТВ анонс. 17.15 Олтин мерос. 17.25 "Равнак" студияси намойиш этади: 17.40 "Рангин дунё". 18.00 "Мозий сирлари". 1-кисм. 18.20 ТВ анонс. 18.25 "Мехробдан чаён". Видеофильм. 11-кисм. 19.10 "Оханглар огушида". 19.20 Биржа ва банк хабарлари. 19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар. 19.30 "Ахборот" (рус тилида) 20.00 ТВ анонс. 20.05 "Омон бўлинг!". 20.10 "Ишқ эртаги". Телесериал премьераси. 21.00 "Ахборот". 21.35 ТВ анонс. 21.40 "Бир ўлка-ки.". 22.00 "Ез ифори". Телесериал. 23.10 "Кўшигимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз бериш) 23.20 "Олам ва одам" дастури: "Ўзга сайёраликлар". 23.50-23.55 Тунги наволар.

YOSHLAR

15.55 Дастуринг очилиши. 16.00 Давр. 16.10 Анонслар. 16.15 Болажон. 16.25 Кино SMS. 16.30 "Совга". Телевизион бадий фильм. 17.05 SMS-кинотанлов. 17.10 Анонслар. 17.15 Ёшлар овози. 17.30 Олий лига кундалиги. 17.45 UzEX хабарлари (инглиз тилида) 17.55 Анонслар. 18.00 "Жаҳон отин Увайсий". Бадий фильм 1-кисм. 18.40 Мусликий лаҳза. 18.45 UzEX хабарлари (рус тилида) 18.55 Иқлим. 19.00 Давр. 19.35 Анонслар. 19.40 CINEMANIYA. 20.00 Спорт-лото. 20.10 Ракурс. 20.25 Кино SMS. 20.30 UzEX хабарлари. 20.40 Ёшлар куйлаганда. 20.50 Эълонлар. 21.00 "Аёл эрки". Телесериал 6-кисм (Япония) 21.40 Анонслар. 21.45 Мусликий лаҳзалар. 21.55 Иқлим. 22.00 Давр. 22.35 Кино SMS. 22.40 "YOSHLAR" да спорт дастури: Интер-футбол. 0.20 - 0.25 Орзулар бекати.

TOSHKENT

18.05 Кўрсатувлар тартиби. 18.15 "Болажонлар экрани". 18.30 "Пойтахт" /рус/. 18.50 "23, 5 даражали бурчак остида" Хужжатли телесериал. 19.15 2006 йил-"Хомийлар ва шифокорлар йили". "Саломат бўлинг" /рус/. 19.30 "Табриклиймиз-кутлаймиз". 20.00 "Пойтахт". 20.20, 22.35 "ТВ анонс". 20.25 "Камила". Телесериал. 20.45, 21.15 "Телекурьер маркет". 20.55 "ТВ юрист". 21.00 "Оқшом наволари". 21.25 "Бир жуфт аския".

O'ZBEKISTON

5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" 8.00-8.35 "Ахборот". 8.35 ТВ анонс. 8.40 Олтин мерос. 8.50 "Олам ва одам" дастури: "Ўзга сайёраликлар". 9.20 ТВ анонс. "Болалар сайёраси": 9.25 1. "Ўйла, Изла, Топ!" Телемусобақа. 2. "Шумтақалар". Мультисерил. 10.35 "Соз сеҳри". 10.55 Биржа ва банк хабарлари. 11.00 "Ахборот". 11.10 ТВ анонс. 11.15 "Омон бўлинг!". 11.20 "Ишқ эртаги". Телесериал. 11.55 Олтин мерос. 12.00 "Ахборот" (инглиз тилида) 12.10 ТВ анонс. 12.15 "Валидол". Ҳажвий кўрсатув. 12.30 "Ез ифори". Телесериал. 13.30 "Ассалом, Ўзбекистон!" Кундузги дастур. 14.00 "Ахборот". 14.15 "Ассалом, Ўзбекистон!" Кундузги дастур. 14.50 "Заковат". 15.45 "Бир ўлка-ки.". 16.10 1. "Таълимга эътибор - келажакка эътибор". 2. "Эртақлар - яхшиликка етаклар". 16.45 "Саломат бўлинг!". 17.00 "Ахборот". 17.10 ТВ анонс. 17.15 Эски альбом. 17.20 "Одамлардан бири". 17.40 ТВ анонс. 17.45 "Ўзбекистонда метеорология: бугун ва эртага". 18.00 "Мозий сирлари". 2-кисм. 18.20 "Оханглар огушида". 18.25 "Мехробдан чаён". Видеофильм. 12-кисм. 19.10 "Банк ва мижоз". 19.20 "Сизнинг адвокатингиз". 19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар. 19.30 "Ахборот" (рус тилида) 20.00 ТВ анонс. 20.05 "Омон бўлинг!". 20.10 "Ишқ эртаги". Телесериал. 21.00 "Ахборот". 21.35 ТВ анонс. 21.40 Эркин мавзу. 22.00 "Ез ифори". Телесериал. 23.10 "Кўшигимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз бериш) 23.20 "Олам ва одам" дастури: "Олов қайрида қолган тунги". 23.50-23.55 Тунги наволар.

YOSHLAR

9.35 SMS-кинотанлов. 9.40 Ракурс. 9.55 Кино SMS. 10.00 Давр. 10.10 Анонслар. 10.15 "Еттинчи жин". Бадий фильм. 11.20 Қадимий кўшиқлар. Бахши. 12.25 "Тақдир". Телесериал. 12.55 SMS-кинотанлов. 13.00 Давр. 13.10 Анонслар. 13.15 Комиллик сари. 13.30 "O'zbektelefilm" намойиши: "Хонобод". 13.50 Оила - муқаддас маскан. 13.55 Анонслар. 14.00 "ЯНГИ КУН". Ахборот дам олиш дастури. 15.00 Кино-SMS. 15.05 "Даллас". Телесериал. 15.50 SMS-кинотанлов. 15.55 Мусликий лаҳза. 16.00 Давр. 16.10 Ватанпарвар. 17.10 Дийдор. 17.15 Ёшлар овози. 17.40 Юртин заинаси. 18.00 "Жаҳон отин Увайсий". Бадий фильм 2-кисм. 18.40 CINEMA BOLLIVUD. 18.55 Иқлим. 19.00 Давр. 19.40 Автопатруль. 20.00 "JOKER" телелотореяси. 20.10 SMS-кинотанлов. 20.15 Талабалар шаҳарчаси. 20.35 Кино SMS. 20.40 Мусликий лаҳзалар. 20.50 Эълонлар. 21.00 "Аёл эрки". Телесериал 7-кисм. 21.40 Ёшлар наволари. 21.50 SMS-кинотанлов. 21.55 Иқлим. 22.00 Давр. 22.35 Кино SMS. 22.40 Кунгил таронаси. 22.50 "Ғойиб бўлган кутти изидан". Бадий фильм. 1-кисм. 23.25 - 23.30 Орзулар бекати.

TOSHKENT

18.05 Кўрсатувлар тартиби. 18.15 "Болажонлар экрани". 18.30 "Пойтахт" /рус/. 18.50 "23, 5 даражали бурчак остида" Хужжатли телесериал. 19.15 "Истеъмолчи минбари". 19.30 "Табриклиймиз-кутлаймиз". 20.00 "Пойтахт". 20.20, 21.45 "ТВ анонс". 20.25 "Камила". Телесериал. 20.45, 21.15 "Телекурьер маркет". 20.55 "ТВ юрист". 21.00 "Оқшом наволари". 21.25 "Рангин лаҳзалар". 21.50 "Ойлавий тикорат". Бадий фильм. 23.40-23.45 "Хайрли тун, шаҳрим".



"Машал" -. "Локомотив". 10.10 Теннис. Роллан-гаррос. 10.55 "Талисман". Серил. 12.20-12.50 "По следам Микки Мауса". "Sport" телерадиоканали. 18.00 "Болалар спорти". 18.15 Мультифильм. 18.30 "Хабарлар" (Рус тилида) 18.50 "Ким нимага қодир?". 19.15 "В поисках приключений". 20.00 "Вести". 20.30 "Мундиал олдидан". 21.10 "Шарқ яққаурашлари". 21.30 "Хабарлар". 21.50 "Срочный вылет". Серил. 22.40 Футбол. Жохон чемпионати. - 1978. 23.30 "Тунингиз осуда бўлсин!"

ПЕРВЫЙ

4.55 Телеканал "Доброе утро" 8.00 Новости 8.05 Телеканал "Доброе утро" 8.35 "Убойная сила". Многосерийный фильм 9.30 "Детективы" 10.05 "Малахов + " 11.00 Новости 11.15 Серил "Талисман" 12.15 "Вне закона". "Белая стрела" 12.50 "Мошеники". Многосерийный фильм 14.00 Новости (с субтитрами) 14.20 "Лолита. Без комплексов" 15.10 Премьера. "Доктор Курпатов" 15.50 "Федеральный судья" 17.00 Вечерние новости (с субтитрами) 17.15 "Вне закона". "Плата за дружбу" 17.50 "Любовь как любовь". Многосерийный фильм 18.55 "Пусть говорят" с Андреем Малаховым 20.00 Время 20.30 Премьера. "Мошеники". Многосерийный фильм 21.30 "Нечистая сила". Документальный фильм 22.30 "Песни нашего двора. Территория свободы". Документальный фильм 23.30 Ночные новости 23.50 Остросюжетный фильм "Новые центры-рионы" 1.30 Фильм "Искусственная ложь" 2.00 Новости 2.05 Фильм "Искусственная ложь". Продолжение 3.10 "Частный сыск. Уличить в неверности". Документальный фильм 4.00 Новости 4.05 "Частный сыск. Уличить в неверности". Документальный фильм. Продолжение

